



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИДА РАГБАТЛАНТИРУВЧИ НОРМАЛАР

Джалолов Файзуллаходжа Сагдулла ўғли

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиши академияси “Тергов фаолияти” мутахассислиги магистриратура тингловчиси

Аннотация: Мазкур мақолада жиноят ҳуқуқида разбатлантирувчи нормаларнинг аҳамияти, хусусияти баён этилиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида назарда тутилган разбатлантирувчи нормаларнинг айримлари ўрганилган ҳамда масала юзасидан муайян илмий назарий хулоса ва тақлифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: ижобий ҳулқ, разбатлантирувчи нормалар, жиноят содир этишидан ихтиёрий қайтиши, жиноий жавобгарликдан озод қилиши, жиноий жазодан озод қилиши, умумий нормалар, маҳсус нормалар.

ПООЩРИТЕЛЬНЫЕ НОРМЫ В УГОЛОВНОМ ПРАВЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Аннотация: В данной статье описываются роль и особенности поощрительных норм, изучены некоторые поощрительные нормы, закрепленные в Уголовном кодексе Республики Узбекистан, а также были сделаны соответствующие научные выводы и рекомендации по теоретическим аспектам. Кроме того, по этому поводу были изучены и проанализированы взгляды ряда ученых. На основании этого были разработаны определенные научно-теоретические выводы и рекомендации, а также даны мнения по этому поводу.

Ключевые слова: позитивное поведение, поощрительные нормы, добровольный отказ от совершения преступления, освобождение от уголовной ответственности, освобождение от уголовного наказания, общие нормы, специальные нормы.

INCENTIVE NORMS IN CRIMINAL LAW OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Abstract: This article describes the role and peculiarity of incentive norms, studied some incentive norms established in the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan and made relevant scientific conclusions and recommendations on theoretical aspects.



Keywords: positive behavior, incentive norms, voluntary renunciation, discharge from liability, discharge from penalty, general norms, special norms.

Ўзбекистон Республикасида барча соҳаларда туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бундай янгиланишлар бевосита хуқуқий демократик давлатни шакллантириш, фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини янада тўлароқ таъминлаш, шунингдек, шахс учун қонунларга риоя қилишнинг хуқуқий рағбатлантирувчи тизимини яратишга қаратилган бўлиб, ана шундай ижобий ишлардан бири жиноий жазоларни либераллаштириш сиёсати ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан алоҳида турдаги жиноятларни содир этганлик учун санкциялар қилмишларнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти ва даражасига номувофиқлиги, жумладан жазонинг муқобил турлари, рағбатлантирувчи нормалар ва жамоат таъсир чоралари етарли даражада қўлланилмаслиги ва самарасизлиги жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимида камчилиги эканлиги таъкидланди²⁷.

Давлатимиз тараққиётининг дастлабки даврларида жиноят содир етган шахсларга нисбатан ўта оғир жиноий жазоларни қўллашни назарда тутувчи сиёсатининг ҳукмронлиги билан тавсифланади. Жиноятчиликни юзага келтирувчи, жамоатчилик онгини бузувчи бундай сиёсатнинг паст самарадорлиги жиноятчиликка қарши курашиш ва унинг оқибатларини бартараф етиш муаммосига сифат жиҳатидан янги, ноанъянавий ёндашувларни тақозо етди. Натижада, жамият ва давлатнинг жиноят хуқуқида жиноятларга муносабати билан боғлиқ янги ғоялар ва ёндашувлар пайдо бўлди.

Эскирган жазо тизимидан кечиши ва уларнинг ўрнига муқобил варианtlарни фаол излаш орқали жаҳон амалиётига юзланишни талаб қила бошлади. Бунда қайта тикланувчи одил судлов тушунчасининг пайдо бўлишига олиб келди, унинг моҳияти шундаки, жиноят оқибатларини бартараф етишга қарама-қарши томонларни ва жамоатчиликни жалб қилишдан иборат бўлиб, бу жиноят оқибатларини бартараф етишга ёрдам бериб, давлат ва унинг институтларини жиноятчиликка қарши курашдаги роли ва имкониятларини холисона баҳолаш, шунингдек, янги Ўзбекистон шароитида жиноятчиликка қарши курашда фуқаролик жамияти салохиятини ўрганиш имкониятини яратади.

Таъкидлаш жоизки, бутун жаҳонда инсонларни хуқуқ ва эркинликларини тиклаш, адолатли жазо тизимини таъминлашга қаратилган харакатлар

²⁷Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон карори.



замирида жиноят ишлари бўйича одил судловни тиклашнинг мақсад ва усувларини белгилаб олинди. Бу эса, мамлакатимизда жиноят ҳуқуқининг кўплаб концептуал қоидаларини, шу жумладан ҳуқуқнинг ушбу соҳаси усувлари ва жиноят ҳуқуки нормаларининг табиати масаласини қайта кўриб чиқиши талаб қилди.

Анъанага кўра, жиноят ҳуқуқига хос бўлган тартибга солишнинг асосий усули жазо таҳди迪 билан таъминланган тақиқдир. Бироқ, тарихан, жиноятга қарши курашнинг ягона усули сифатида жазога урғу берилиши ижобий натижа бермаган. Инсон ҳатти-харакатларини керакли йўналишда ўзгартиришнинг самарали усули-бу рағбатлантириш (рағбатлантириш) бўлиб, фикримизча, жиноят-ҳуқуқий таъсир воситаларинидан бири бўлиб, жиноят ҳуқуқида жазо нормалари билан бир қаторда рағбатлантириш нормалари ҳам кенг ифодаланиши керак.

Ю.В.Голик жиноят қонуни тақиқини бузган шахсларга қаратилган мажбурлашни ва амалда пушаймон бўлган ва бу йўналишда аниқ қадамлар қўйган шахсларни рағбатлантиришни “жиноят ҳуқуки соҳасидаги ҳуқуқий тартибга солишнинг асосий усувлари” деб атайди. Муаллиф рағбатлантириш усулининг жиноят ҳуқуқидаги аҳамияти ҳақида гапирав екан, шундай ёзади: “Мажбуровсиз жиноят ҳуқуки ўзининг туб моҳиятини, Рағбатлантиришсиз эса, жиноий одил судлов ўз маъносини йўқотади, чунки жамиятни тузатишга қаратилган ҳар қандай инсоний уринишлар сўниб боради.

Шундай қилиб, Рус ҳуқуқшуноси В.Г.Галкин “жиноят ҳуқуқидаги рағбатлантириш тизими” мақоласида рағбатлантириш жиноят ҳуқуки нормаларини тавсифлайди ва ўзига хос рағбатлантириш нормаларини кўрсатиб ўтади. У жиноят-ҳуқуқий рағбатлантириш жиноят содир етган шахста қаратилганлигини, бундай шахсни рағбатлантиришнинг асоси унинг жиноят содир бўлгандан кейинги, ихтиёрий равишда жиноий фаолиятнинг олдини олиш, зарарсизлантириш ёки камайтиришга қаратилган ҳатти-харакати эканлигини ҳақли равишда қайд етади.

Рағбатлантирувчи нормалар жамият нуқтаи назаридан фойдали бўлган муайян ҳаракатларни бажариш учун қўшимча имтиёзлар бериш орқали одамларнинг ҳатти-харакатларини тартибга солади. Улар ўз табиатига кўра жиноят ҳуқуқининг бошқа норматив кўрсатмаларидан фарқ қиласи. И.А.Семеновнинг фикрича, бу меъёрларнинг енг муҳим фарқловчи хусусияти уларнинг одамлар психологиясига (интеллектуал ва ҳиссий соҳасига) фойдали таъсиридир²⁸.

²⁸ Семенов И.А. Поощрительные нормы в уголовном за конодательстве России: Автореф. дисс... к.ю.н. М., 2002.С. 13.



Жиноят ҳуқуқининг рағбатлантирувчи нормалари керакли ҳаракатларни рағбатлантириш функциясини бажаради. Шу билан бирга, содир етилган жиноятнинг жиноий-ҳуқуқий оқибатларини енгиллаштириш ёки тўлик бартараф етишни назарда тутади. Рағбатлантириш меъёрларининг шахснинг хулқ-авторига таъсир қилиш усули шахсга мажбурият юкламаслиги, балки ижтимоий фойдали натижага еришиш учун рағбатлантирилишида ифодаланади.

2001 йил 29 августда қабул қилинган “Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Конуни билан²⁹ ЖКнинг 175, 202 ва бошқа моддаларида етказилган моддий зарар уч карра миқдорида қопланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги белгиланди.

Иқтисодиёт соҳасидаги жиноят ишлари бўйича озодликдан маҳрум этиш жазоси ўрнига жарима шаклидаги иқтисодий санкцияни қўллаш имконияти анча кенгайтирилди. Жиноий жазо тизимидан инсонпарварлик тамойилларига мутлақо зид бўлган мол-мulkни мусодара қилиш тарзидаги жазо тури чиқариб ташланди.

Шунингдек, Жиноят кодексининг 11 та моддасига етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланмаслиги ҳақида қоидалар киритилди³⁰. Ўтказилаётган ислоҳотлар натижаси ўлароқ, иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар учун етказилган моддий зарар қопланганлиги учун айбдор шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланадиган бўлди.

Амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида энг аввало, жазолашнинг репрессив, озодликдан маҳрум қилиш ҳолларини қисқартириш хисобига қонунчиликнинг адолат ва инсонпарварлик каби тамойилларининг кучайишини ва амалда қўлланишини таъминланмоқда.

Жумладан, Жиноят кодексидаги 202-моддада етказилган моддий зарар беш карра, 132, 173, 175, 198, 202, 233-моддаларида етказилган моддий зарар уч карра, ЖК 167, 168, 180, 181, 181¹, 185², 192⁴, 192¹¹, 170-моддаларида етказилган моддий зарар қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликни чеклаш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги белгиланган.

²⁹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 9-10-сон, 165-модда.

³⁰ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъзуза. Тошкент: “Ўзбекистон”, 2010. – Б. 20.



Шу ўринда, жиноят қонунини либераллаштиришнинг устувор йўналишларидан бири рағбатлантирувчи нормаларни қўллаш соҳасини кенгайтириш билан боғлиқ. Негаки, жиноят хуқуки назарияси рағбатлантирувчи нормаларни жиноий қонунчиликда мустаҳкамланиши ва уларнинг амалиётга тўғри татбиқ этилиши содир этилган жиноятчиликнинг латентлик даражасини кескин камайтиришга, жиноятчиликка қарши курашиш сарф-харажатларининг қисқаришига сезиларли таъсир кўрсатади.

Хусусан, М.Рустамбоев жиноят хуқуки нафакат содир этилган жиноятлар учун жавобгарликни таъминлаш, балки, жиноятчиликка қарши курашда фаол иштирок этган ҳамда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилигини жиддий камайтирадиган ижобий характерланадиган ҳатти-ҳаракатлар учун шахсга нисбатан рағбатлантирувчи нормаларни қўллаш вазифасини ҳам бажаришини қайд этади³¹.

Қатор хорижий давлатлар жиноят қонунларининг таҳлили уларда жиноий жавобгарликдан озод қилиш институтига алоҳида боблар бағишлиланганлигини кўрсатди. Масалан, Испаниянинг 1995 йилги Жиноят кодексида “Жазони ижро этиш бошлангунга қадар жабрланувчи томонидан айборни кечирилганлиги туфайли жиноий жавобгарликни бекор қилиш” тўғрисидаги норма мавжуд. Испания Жиноят Кодексининг 340-моддасига кўра 16-бўлимда назарда тутилган жиноятлардан бирини содир этган жиноятчи етказилган зарарни ихтиёрий тарзда қоплаган бўлса, суд ёки трибунал унга жазо тайинлашда бир поғона енгил жазо тайинлаши мумкин.

1997 йилги Польша Жиноят кодекси 66-моддасида эса, “етказилган зарар қопланса, жиноий таъқиб шартли равишда тугатилиши” мумкинлиги қўзда тутилган.

Германия Жиноят кодексининг учинчи бўлим, иккинчи бобида жазони белгилаш асослари белгиланган бўлиб, унинг 46 а-моддасига асосан,

Агар жиноят содир этган шахс:

1) Жабрланувчи билан келишувга эришишса (жиноят содир этган шахс ва жабрланувчи келишуви –татер-оптер- Аусглеич) ҳаркатлари натижасида етказилган зарарни тўлиқ ёки қисман қопласа ёки зарарни қоплашга жиддий харакат қилса;

2) Агар зарарни қоплаш жиноят содир этган шахсдан сезиларли шахсий харакатларни ёки бирор нарсадан шахсан воз кечиши талаб қилса ҳамда шахс жабрланувчига етказилган зарар тўлиқ ёки қисман қопласа жазо енгиллаштирилиши ёки жазодан озод қилиниши мумкин. Агар бир йилга

³¹ Рустамбоев М.Х. Жиноят хукуки (Умумий қисм). Олий ўқув юртлари учун дарслик. Т.: “ILM ZIYO”, 2005, – Б.18.



озодликдан маҳрум этиш ёки 360 кунлик пул жарима ставкасидан оғирроқ жазо назарда тутилмаган бўлса.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида ҳам шунга ўхшаш норма мавжуд. Хусусан, Жиноят кодекси шахс ўз айбига икрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашув институти маҳсус қисмининг **47 та** моддасида кўрсатилган жиноят содир этилганда улардан ҳар бирига нисбатан қўлланилиши мумкин. Бироқ Жиноят кодекси маҳсус қисмидаги жиноий жавобгарлиқдан озод қилиш нормалари, айнан шу модда мазмунидан келиб чиқиб, фақат шу моддага нисбатан татбиқ этилиши хусусияти билан шунингдек асосан, оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этилишига боғлиқлиги билан умумий қисмидаги жиноий жавобгарлиқдан озод қилиш нормаларидан фарқ қиласди.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси маҳсус қисмининг ўн олтига моддасида шундай нормалар мавжуд бўлиб, бешта моддасида, яъни 132, 173, 233, 202, 198-моддаларида алоҳида маҳсус норма бўлиб, уларда етказилган зарар **3 карра** миқдорда қопланганда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди деб, бешта иқтисодиёт соҳаси билан боғлиқ жиноятларда, яъни 180, 181, 181¹, 189, 190-моддаларида ушбу жиноят биринчи маротаба содир этилганда етказилган зарар қопланганда жавобгарлиқдан озод қилиниши, саккизта моддасида, яъни 167, 168, 170, 180, 181, 181¹, етказилган зарар қопланганда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди деб белгилаб қўйилган.

Шундай экан, етказилган зарар қопланганда жавобгарлик ва жазодан озод қилиш борасида, юқорида таъкидлаб ўтилган фикрлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида жавобгарлик ва жазодан озод қилишнинг алоҳида тури сифатида етказилган зарар қопланганда жавобгарлик ва жазодан озод қилиш институтини қайд этиш ва Жиноят кодексини қўйидаги мазмундаги модда билан тўлдириш мақсадга мувофик ҳисобланади.

66²-модда. Етказилган зарар қопланганлиги муносабати билан жавобгарлик ва жазодан озод этиши.

Биринчи марта жиноят содир этган шахс, ўз қилмишига чин қўнгилдан пушаймон бўлган ва етказилган зарарни тўлиқ қоплаган, жиноятни очишда фаол ёрдам берган, у жиноят аниқланган кундан эътиборан ўттиз кунлик муддатда жиноят оқибатларини бартараф этган бўлса ҳамда у томонидан содир этилган жиноят ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноят деб баҳоланса шахс жиноий жавобгарлиқдан ва жазодан озод этилади.



Бу каби, рағбатлантирувчи нормаларни жиноят ҳуқуқининг маҳсус функцияларидан бири сифатида кўрсатиб ўтиб, жиноят қонунида бундай нормаларнинг мавжудлиги фуқароларнинг жиноятларнинг олдини олиш, қонун билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларни жиноий тажовузлардан фаол ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Шу жиҳатдан олиб қаралганда, бизнингча, қуйидаги асосларга кўра бугунги қунда жиноий жазолар тизимида рағбатлантирувчи нормаларни кенгайтиришни тақазо этмоқда:

биринчидан, жиноий жазо тизимида рағбатлантирувчи нормаларнинг кенг қўлланилиши жиноят ҳуқуқида инсон ҳуқуқларини таъминловчи муҳим мезон бўлиб хизмат қилади;

иккинчидан, рағбатлантирувчи нормаларни кенгайтириш, моҳият эътибори билан, жиноят қонунини либераллаштиришнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади;

учинчидан, рағбатлантирувчи нормаларни кенг қўллаш бир неча асосларга кўра давлат учун ҳам мақбул ҳисобланади. Мазкур мақбуллик иқтисодий жиҳатдан давлат бюджети сарфини камайтириш, ижтимоий жиҳатдан эса озодликдан маҳрум этиш муассасаларидаги криминоген вазиятнинг маҳкумларга салбий таъсирини олдини олиш ва бошқаларда ифодаланади.

тўртинчидан, жиноят қонунчилигида рағбатлантирувчи нормаларнинг кенг жорий этилиши халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоида ва тамойилларига мос бўлиб, бу эса ўз навбатида, миллий жиноят ҳуқукий сиёсатининг халқаро-ҳуқукий сиёsat билан ўзаро ҳамоҳанглигини таъминлашга хизмат қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон қарори.
2. Семенов И.А. Поощрительные нормы в уголовном за конодательстве России: Автореф. дисс... к.ю.н. М., 2002.С. 13.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 9-10-сон, 165-модда.
4. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси:



International scientific-online conference: INTELLECTUAL EDUCATION TECHNOLOGICAL SOLUTIONS AND INNOVATIVE DIGITAL TOOLS



5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. Тошкент: “Ўзбекистон”, 2010. – Б. 20.

6. Рустамбоев М.Х. Жиноят хуқуки (Умумий қисм). Олий ўкув юртлари учун дарслик. Т.: “ILM ZIYO”, 2005, – Б.18.